

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

238 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2657-2

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 30 январдаги 6-сон буйруғи (рўйхат рақами 2657, 2015 йил 5 март) (Ўзбекистон Респуб-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

ликаси конун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 105-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 март,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 7 мартдаги
24-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия,
нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «мазкур Йўриқноманинг 1-ило-
васига мувофиқ шаклда расмийлаштириладиган ҳужжат» деган сўзлар «элект-
рон ҳужжат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банд «шахсий карточкани» деган сўзларидан кейин «ахборот тизи-
мида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 7, 9, 12 13, 14, 18, 60 ва 75-бандлар ўз кучини йўқотган деб топил-
син.

4. 8-бандидаги «мониторинг гуруҳи раҳбари ва Пенсия жамғармаси бўли-
ми бошлиғи томонидан имзоланади ҳамда Пенсия жамғармаси бўлимининг
муҳри билан» деган сўзлар «ахборот тизимида» деган сўзлар билан алмаш-
тирилсин.

5. 11-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Шахсий карточкага қўшимча маълумотлар қуйидаги ҳолларда ки-
ритилади:».

6. 16-бандда:

биринчи хатбошисидаги «унга ёпилиш сабаби тўғрисида тегишли ёзув-
ларни ва ахборот тизимида зарур» деган сўзлар «ахборот тизимида ёпилиш
сабаби тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидан «шахсий карточка ва ахборот тизимидаги» де-
ган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 24-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Пенсия ва нафақаларнинг банк пластик карточкалари орқали тўлаш учун маблағларни ўтказиш Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этилган тўлов топшириқномаси ва қайднома асосида амалга оширилади.

Ҳақиқатда молиялаштирилган маблағлар тўлов топшириқномаси ва қайднома электрон шаклда тақдим этилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирилмай хизмат кўрсатувчи тижорат банк филиали томонидан пенсионер ёки нафақа олувчи учун очилган 22617 — «Пенсионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари» ҳисобварағига кириш қилинади.».

8. 27-банднинг иккинчи хатбошисидаги «шахсий карточка ва ахборот тизимига тегишли ёзувлар» деган сўзлар «шахсий карточкага тегишли маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Пенсия ва нафақалар тўлови шаклини ўзгартириш тўғрисидаги ва тўловни давом эттириш ҳақидаги ариза, шунингдек унга илова қилинган хужжатлар (ишга қабул қилинганлиги (фуқаролик-ҳуқуқий шартнома нусхаси) ва меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма (бажарилган ишлар далолатномасини), шунингдек ишончнома нусхаси) мониторинг гуруҳи инспектори томонидан рўйхатга олинади ва пенсия йиғмажилдига тикиш учун пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳининг тегишли инспекторига пенсия тақдим этилади.».

10. 51-банднинг биринчи хатбошисидан, 58-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида, 59-банднинг иккинчи ва бешинчи хатбошиларида «ва ахборот тизимига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 64-банднинг учинчи хатбоши «8-санасига қадар» деган сўзлардан кейин «ахборот тизими орқали» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12. 65-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Пенсионер ва нафақа олувчининг банк пластик карточкаларига маблағлар кириш қилинган сана, пенсия ва нафақалар тўланган сана деб ҳисобланади.

Банк пластик карточкаларига маблағлар пенсионерлар ва нафақа олувчилар вафот этган санадан сўнг кириш қилинган ҳолларда, Пенсия жамғармаси бўлимлари уларни Пенсия жамғармаси ҳисобварағига вафот этган пенсионерлар ва нафақа олувчиларнинг ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар ҳисобидан қайтариш тўғрисида тегишли тижорат банклари филиалларига хат юбориш орқали қайтариш чораларини кўради.».

13. 66-банднинг биринчи хатбошисидаги «алоҳида йиғмажилдда сақланаётган» ва «ва ахборот тизимига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14. 68-банддаги «ва тижорат банки филиаллари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15. 69-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«69. Чоп этилган қайдномалар мониторинг гуруҳи инспектори, раҳбари ва Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи (унинг вазифасини бажарувчи)

томонидан имзоланади, Пенсия жамғармаси бўлими муҳри билан тасдиқланади ва почта алоқаси объектларига курьер орқали тақдим этилади.».

16. 74-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«74. Талабномалар жорий ойнинг 13-санасидан кечиктирилмасдан Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи (унинг вазифасини бажарувчи) томонидан ахборот тизимида тасдиқланади.».

17. 76-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«76. Пенсия ва нафақа тўловига тузилган талабномаларни ўрганиш бўйича Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси ишчи гуруҳига (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси бошқармаси ишчи гуруҳи деб юритилади) қуйидаги таркибда тузилади:».

18. 79 ва 80-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«79. Жамланма талабномалар тўлов ойнанинг 15-санасидан кечиктирмасдан Пенсия жамғармаси бошқармаси бошлиғи (унинг вазифасини бажарувчи) томонидан ахборот тизимида тасдиқланади.

80. Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати томонидан ахборот тизимида тасдиқланган жамланма талабномалар асосида жорий ойнанинг 17-санасидан кечиктирмасдан республика бўйича умумий талабномалар шакллантирилади.

Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида тасдиқланган талабномалар Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати, ҳудудий бошқармаси ва туман (шаҳар) бўлими томонидан молиялаштириш учун асос ҳисобланади.».

19. 90-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90. Пенсия жамғармаси бўлимида ҳисобда турган пенсионерлар ва нафақа олувчиларнинг мониторинги ҳар ойда танлов асосида мазкур Йўриқноманинг 91-бандида назарда тутилган тартибда тасдиқланган график асосида ўтказилади.».

20. 91-бандда:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«91. Ҳар ойнанинг бошида Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи (унинг вазифасини бажарувчи)нинг буйруғи билан мониторинг ўтказиш графиги тасдиқланади.»;

тўртинчи хатбошисидаги «камида 40 — 50» деган сўзлар «камида 10 — 30» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 94-бандда:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишлича учинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

22. 102-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«102. Пенсия жамғармаси бўлимлари ҳар ойда почта алоқаси объектлари билан молиялаштирилган, тўланган ва тўланмаган пенсия ва нафақалар бўйича оралиқ ва якуний солиштирма далолатномалар тузадилар.».

23. 105-банддаги «ва тижорат банки филиали» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

24. 107-бандда:

238, 240-моддалар

— 258 —

14 (774)-сон

биринчи хатбошисидаги «ва тегишли тижорат банклари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошисидаги «ва тижорат банкларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

25. 1, 2 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

26. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «O`ZBEKISTON POCHTASI» AJ билан келишилган.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2017 йил 7 март

*«O`ZBEKISTON POCHTASI» AJ
Бош директори*

Ш. АТАМУХАМЕДОВ

2017 йил 7 март